



COMPARATIVE ANALYSIS OF METHODS OF TRANSFORMATION OF FINANCIAL STATEMENTS IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL FINANCIAL STANDARDS

Sabirova Zaynab Qadambayevna¹

¹ TMI, Lecturer, Department of Accounting

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4968763>

ARTICLE INFO

Received: 05th June 2021

Accepted: 10th June 2021

Online: 15th June 2021

KEY WORDS

IFRS, IFRS, transformation, parallel accounting, financial reporting, balance sheet, trial balance, synthetic account turnover, accounting records.

ABSTRACT

Transformation of financial statements prepared in accordance with national accounting standards into international financial reporting standards is one of the most pressing issues today. Therefore, in this article, I will explain the advantages and disadvantages of comparing IFRS financial reporting methods, the steps of preparing IFRS financial statements, and the differences between IFRS and IFRS.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Сабинова Зайнаб Қадамбаевна¹

¹ ТМИ, Бухгалтерия ҳисоби кафедраси ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-iyun 2021

Ma'qullandi: 10-iyun2021

Chop etildi: 15-iyun 2021

KALIT SO'ZLAR

БҲМС, МҲХС, трансформация, параллел ҳисоб, молиявий ҳисобот, бухгалтерия баланси, синон баланси, синтетик счётлар айланмаси, бухгалтерия штарказмалари.

ANNOTATSIYA

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш ҳозирги вақтда долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ушбу мақолада МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш усулларини таққослашнинг афзалликлари ва камчиликлари, МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш босқичлари, ҳамда МҲХС ва БҲМС ўртасидаги аниқланган фарқларни бартараф этадиган бухгалтерия ёзувларини жадваллар асосида шарҳлаб берамиз.



МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни трансформация қилишнинг икки усулини таққослаш орқали уларнинг афзалликларини ва камчиликларини ҳамда қайси усулдан фойдаланиш бизга қулайлик олиб келишини кўришимиз

мумкин. МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрлашнинг икки хил усулини таққослаш қуйидаги 1-жадвалда келтирилган:

1-жадвал

МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш усулларини таққослаш: афзалликлари ва камчиликлари

Трансформация жараёни	Параллел ҳисоб юритиш жараёни
Афзаллиги	
Жараённинг нархини олдиндан аниқлаш мумкин ва амалга ошириш тезда яқунланиши мумкин	МҲХСга мувофиқ аниқроқ молиявий маълумотларни тақдим этади
БҲХСга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун аниқ эҳтиёж мавжуд бўлган кунда маълум маддатда тақдим этилади	Доимий равишда МҲХСга мувофиқ молиявий маълумотларни тақдим этади
Бу мустақил, ходимлар иштирокида амалга оширилади ва компаниянинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритишни талаб қилмайди	МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботлар миллий бухгалтерия стандартларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот билан бир вақтда тақдим этилиши мумкин
Камчиликлари	
МҲХСга мувофиқ камроқ аниқ молиявий маълумот беради	Компаниянинг бюджети учун қимматроқ ва оғирроқ усул, уни амалга ошириш кўп вақт талаб қилиши мумкин
МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот фақат бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган ҳисоботлардан сўнг тақдим этилиши мумкин	Буни фақат компания мутахассислари томонидан ташқи мутахассисларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш керак

МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёни бир нечта босқичлардан ташкил топган. Шунга кўра, МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг босқичлари 2-расмда келтирилган:

Молиявий ҳисоботни тайёрлашга тайёргарлик босқичи – бухгалтерия

ёзувларини тузатиш. Трансформация жараёнида, МҲХС ва БҲМС ўртасидаги аниқланган фарқларни бартараф этадиган бухгалтерия ёзувларини тузиш керак бўлади. Шунинг учун, МҲХС ва БҲМС ўртасидаги аниқланган фарқларни бартараф этадиган бухгалтерия ёзувлари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган:

2-расм

МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш босқичлари



3-жадвал

МХХС ва БХМС ўртасидаги аниқланган фарқларни бартараф этадиган бухгалтерия ёзувлари

Бухгалтерия ёзувларини тузиш	Изоҳ
<p>Ҳисобот даври билан боғлиқ бухгалтерия ёзувларига тузатиш киритиш, (84.11 ҳисоби очилади “Ҳисобот даври учун тақсимланмаган фойда/қопланмаган зарарни тузатиш” учун)</p>	<p>Ушбу бухгалтерия ёзувлари компаниянинг ҳисобот давридаги хўжалиқ операцияларини МХХСга мувофиқ келмаслигини акс эттириш учун зарурдир, чунки ҳисобот даври охиридаги синов балансида қайд этилади ва ҳисобот даври тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар) ҳисобга олинади.</p>
<p>Ўтган давр билан боғлиқ бухгалтерия ёзувларига тузатиш киритиш, (84.12 ҳисоби очилади “Ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда/қопланмаган зарарни тузатиш” учун)</p>	<p>Ушбу бухгалтерия ёзувлари ўтган давр билан боғлиқ операцияларни МХХСга мувофиқ келмаслигини акс эттириш учун зарур бўлиб, ҳисобот даври бошида ва охирида синов балансида қайд этилади ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)сига ўтказилади.</p>



Агар ҳисобот даври бошида 84.12 ҳисобварағига таъсир кўрсатадиган тузатиш амалга оширилган бўлса, ушбу бухгалтерия ёзуви ҳисобот даври охирида такрорланиши керак, шунда, ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги

балансда ўтган йилларнинг тақсимланмаган даромадлари қолдиғи бир хил бўлади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2020 йил 24 февраль.
2. Қурбанов З.Н., Акрамов Ф.А. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг долзарб масалалари. // Бизнес-эксперт, 4-сон. 2015.
3. Джуманов С. А. Кичик саноат зоналари субъектларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали, 1-сон, феврал, 2019.
4. Авлоқулов А.З. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий натижалар кўрсаткичларини акс эттириш хусусиятлари. // Халқаро молия ва ҳисоб. 2-сон, март-апрел, 2019.
5. Тошназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг МҲХС бўйича трансформацияси зарурати, моҳияти ва босқичлари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 3-сон, май-июнь, 2017.
6. Палий В.Ф. “Международные стандарты учета и финансовой отчетности”. Учебник. М.: ИНФРА-М, 2008.
7. Агеева О.А. “Международные стандарты финансовой отчетности”. Учебное пособие. М.: Бухгалтерский учет, 2008.
8. С.Ташназаров, Д. Ташназарова. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари // Ўқу қўлланма. СамИСИ, 2018 й. 421-бет.
9. Международные стандарты финансовой отчетности: Издание на русском языке М.: АСКЕРИ - АССА, 2016. 50-бет.
10. В. О. Бердичевская. Трансформация финансовой отчетности в МСФО // учебное пособие. Ярославль. ЯрГУ, 2017 г, 86, 91, 92-бетлар.